

Замонов А. Т.

Тошкент Кимё халқаро университети
катта илмий ходим, PhD
als_zamonov@mail.ru

ШАЙБОНИЙХОН ВА ШОҲ ИСМОИЛ САФАВИЙ: МАРВ ЖАНГИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада XVI асрнинг дастлабки ўн йиллигида Ўрта Шарқдаги сиёсий вазият ҳамда бу ҳудуддаги иккита сиёсий куч – Турон ҳукмдори Шайбонийхон ва Эрон ҳукмдори Исмоил Сафавий ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашув эволюцияси таҳлил қилинган. Шунингдек, икки давлат ўртасидаги дастлабки алоқалар, икки давлатнинг ички сиёсати, кучлар нисбати мавжуд манбалар ҳамда илмий адабиётлар асосида шарҳланади. Бунда икки давлат ўртасида содир бўлган Марв жанги ва унинг сабаблари, Шайбонийхоннинг мағлубиятга учраш омиллари ҳамда жанг натижасида Ўрта Осиёда вужудга келган сиёсий вазият таҳлил этилади.

Калит сўзлар: манба, 1509-1510, Шайбонийхон, Шоҳ Исмоил, Ҳирот, Эрон, Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳирот, Марв, Маҳмудий, жанг, султон, Убайдуллахон, мағлубият, қўшин, элчи.

Замонов А. Т.

Старший научный сотрудник PhD,
Ташкентского международного университета Кимё
als_zamonov@mail.ru

ШЕЙБАНИХАН И ШАХ ИСМАИЛ: МЕРВСКАЯ БИТВА

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется политическая ситуация на Ближнем Востоке в первом десятилетии XVI века и эволюция напряженности между двумя политическими силами в этом регионе - Шейбани-ханом, правителем Турана, и Исмаилом Сефевии, правителем Ирана. Также истолковываются исходные отношения двух стран, внутренняя политика двух стран, баланс сил на основе доступных источников и научной литературы. Анализируются Марвская

битва между двумя странами и ее причины, факторы поражения Шайбани-хана, политическая ситуация в Средней Азии в результате битвы.

Ключевые слова: источник, 1509-1510, Шейбанихан, Шах Исмаил, Герат, Иран, Мавераннахр, Хорасан, Мерв, Махмудий, битва, султан, Убайдуллахан, поражение, армия, посол.

Zamonov A. T.

Senior researcher, PhD of
Kimyo International University in Tashkent.
als_zamonov@mail.ru

SHAIBANIKHAN AND SHAH ISMAIL SAFAVI: THE BATTLE OF MARV

ABSTRACT

The article analyzes the political situation in the Middle East in the first decade of the 16th century and the evolution of the tension between the two political powers in this region - Shaybani Khan, the ruler of Turan, and Ismail Safavi, the ruler of Iran. Also, the initial relations between the two countries, the internal politics of the two countries, the balance of power are interpreted based on available sources and scientific literature. The battle of Marv between the two countries and its causes, the factors of Shaibani Khan's defeat, and the political situation in Central Asia as a result of the battle are analyzed.

Keywords: source, 1509-1510, Shaibani Khan, Shah Ismail, Herat, Iran, Movarounnahr, Khurasan, Herat, Marv, Mahmudi, battle, sultan, Ubaydullah Khan, defeat, army, ambassador.

КИРИШ

Темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган Турон давлати парчаланиши жараёнида Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги шайбонийлар бирин-кетин мазкур давлатни қайта бирлаштирди. 1507 йилда Шайбонийхон томонидан Хуросон марказининг эгалланиши унинг давлатини Эронда вужудга келган Сафавийлар империяси билан чегарадошга айлантирди. Шайбонийхоннинг навбатдаги стратегик режаси эса айнан Эрон, ундан кейин Арабистон ярим ороли эди. Натижада у Эронга қарши юришга тайёрлана

болаган. Ўз навбатида, Сафавийларнинг Шайбонийлар билан олиб борган дипломатик музокараларининг муваффақиятсизлиги, Эроннинг шарқий шаҳарларини босиб олиш ва ўзбек султонлари томонидан талон-тарож қилиш Исмоил Сафавийнинг Хуросонга ҳарбий юриши учун сабаб бўлди. Тарихий манбаларда Марв яқинидаги Шайбонийлар устидан ғалаба билан яқунланган Исмоил Сафавийнинг ушбу юриши Марв жанги сифатида машҳур.

Мазкур жанг ҳамда Шайбонийхон – Шох Исмоил Сафавий ўртасидаги муносабатлар ривожини XVI аср Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда яратилган қуйидаги манбаларда ёритилган: Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” ва Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг “Абдуллонома” (“Шарафномаи шоҳий”), Муҳаммадёр ибн Араб Муҳаммад Қатағаннинг “Мусаххир ал-билод”, Муҳаммад Солиҳнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаққир аҳбоб”, Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”, Гиёсиддин Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сийар”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарлари, шунингдек, Эрон томондан туриб эзилган муаллифи номаълум “Оламорийи Сафавий”, Искандарбек Муншийнинг “Тарихи оламорийи Аббосий” асарлари шулар жумласидандир [10].

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

XVI аср ўзбек давлатчилигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган шайбонийлар сулоласи тарихининг айрим масалалари мустақиллик даврида Б.Аҳмедов, А.Зиё, Ҳ.Тўраев, Г.Агзамова, Қ.Ражабов, Н.Аллаева, З.Раҳмонқулова, Г.Султонова, А.Замонов, З.Муқимов, Ҳамза Камол, С.Хосейнишерози, Абдукарим Мажид [11] каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида маълум даражада тилга олиб ўтилган.

XVI аср тарихида ҳарбий-сиёсий жараёнларнинг энг юқори поғонага чиқиши 1510 йилги Марв жанги ва унинг оқибатлари натажасида юзага келди. Чунки, шу воқеа сабаб шайбонийлар ва сафавийлар ўртасидаги бир асрлик карама-қаршилик, Хуросон учун аёвсиз кураш сунний-шиа низолари билан янада кучайиб борди. Эрон давлати ҳукмдори Шох Исмоил Сафавий (1502-

1524) ва Ўзбек давлати ҳукмдори Муҳаммад Шайбонийхон (1500-1510) ўртасидаги бошланган низо бутун аср давомида икки давлатнинг ўзаро ижтимоий-сиёсий зиддиятларини намоён қилди. Мазкур низо Муҳаммад Шайбонийхон томонидан Ҳиротнинг қўлга киритилишидан кейин (1507) бошланди. Муҳаммад Шайбонийхон Хуросон ҳудуди эгалланиши билан жанубий-ғарб томонда тобора қудратли бўлиб бораётган Эрон Сафавийлари давлати чегараларига яқинлашган. Бу давлатни ҳам бўйсундириш истаги хоннинг уруш учун сабаб топиши лозимлигини кўрсатар эди. Эрон давлатида бу пайтда исломнинг шиалик мазҳаби ҳукмрон динга айлантирилган, унинг ҳомийси Шох Исмоил бўлган бир вазиятда, Шайбонийхон ўзини “Имом аз-замон, халифат ар-Раҳмон” деб эълон қилди ва бу билан бутун Шарқда ислом динининг ҳимоячиси сифатида шиаликка қарши ғоявий кураш учун асос топди. Шунингдек, шу вақтнинг ўзида (1507) барча атроф ўлкалар ҳукмдорларига “ким бизни кутиб олишга ва олдимизга таъзим қилишга келган бўлса, у юксак мукофотланади, агар келмаса, у пушаймон бўлади” деган мазмуда хат ёзади [7:258]. Шу мазмундаги хатлардан бири Эронга, Шох Исмоил Сафавийга ҳам йўлланган бўлиб, бу ҳақда XVI аср ўрталарида ёзилган муаллифи номаълум “Оламорои Сафавий” (*Оламга оро берувчи Сафавий*) асарида қимматли маълумотлар келтирилади. Унда айтилишича, Шайбонийхоннинг элчиси хатни Исмоил Сафавийга топширган. Хатда “Биз Макка ва Мадина зиёратига бориш ниятимиз борлигини маълум қиламиз. Илтимос, агар Ироқда бузилган кўприклар бўлса, уларни тузатиб қўйинг” деган ёзувга қуйидаги байт ҳам илова қилинган (мазмун):

“Бизда вайрон қилинган Ироқни эгаллаш истаги йўқ,

Макка ва Мадинани забт этгуниimizча, ўзимизни ғолиб ҳисобламаймиз” [7:259].

Шох Исмоил хатни ўқигач, унинг орқа томонига Шайбонийхон учун шундай сўзларни ёзган:

Кимки чин дилдан Шоҳ Бутурабнинг (*яъни, халифа Али ибн Абу Толиб. – А.З.*) кулига (ёрдамчисига) айланмаса, агар у юзта Макка ва Мадинани забт этса-да, у ғолиб ҳисобланмайди” [7:259].

Шу даврда шайбонийларнинг машҳур қўмондонлардан бири Жонвафо Мирзо Кирмонга қилинган бир босқин пайтида сафавийлар томонидан асир олинади. Эрон ҳукмдори шарқий чегараларда муваққат бўлса-да, тинчлик ўрнатиб туриш мақсадида Жонвафо Мирзони озод қилиб, уни ўз элчиси Шайхзода Лоҳижоний номи билан танилган Шайх Муҳиддин Аҳмад Шерозий билан бирга Шайбонийхон ҳузурига юборади [7:280]. Шоҳ элчи орқали Шайбонийхоннинг Эрон ҳудудига қарши юришларини тўхтатишни сўраган. Хусусан, хатда “агар у (Шайбонийхон) босқинларни тўхтатмаса, орамиздаги дўстлик тўхтади” деб айтилган. Манбаларда келтирилишича, Шайбонийхон ҳузурида элчи шоҳ мактубини овоз чиқариб ўқиган. Хон эса жилмайиб, шундай деган: “биз нима ҳақида ўйлаймиз ва малик (*Исмоил Сафавийни малик деб атаб, бир оз бетисандлик ҳам қилган. – А.З.*) нима ҳақида ўйлайди! Мен эътиборли одамлар, фузало ва фуқаро – барча одамларим билан Каъба зиёратига боришимни иккинчи бор маълум қиламан. Сизни йўлларни тартибга келтирдингиз деб ўйлардим, аммо барибир шундан бери сиз бизга (тўғри) хизмат кўрсатмаяпсиз. Исмоилга айт, у бизга ёзганда таба эмас, илтимос қилсин ҳамда барча кўприкларни тузатишга фармон берсин, ... биз ҳажга боришни ният қилдик” [7:281].

Шайбонийхон Шоҳ Исмоилга шу мазмундаги хатни тайёрлашни ва уни олиб бориш учун хат тайёрлашни ва уни Эронга элтишни Нажуб Баҳодирга топширади. Шундай қилиб, Шайхзода Лоҳижонийнинг элчилиги бесамар якун топади.

“Оламоройи Сафавий” асарида айтилишича, Шоҳ Исмоил яна бир бор Шайбонийхонга мактуб йўллаб, унинг Эронга ташриф буюриши учун йўллар ҳам, қалъалар ҳам, қўшин ҳам тайёрлигини (*яъни, урушга тайёрлигини*) билдирган [7:281].

Мазкур тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳи бўлган Ғиёсиддин Хондамир (1475-1534) ҳам бу муносабатлар ҳақида қуйидагиларни келтиради: “Шоҳ Исмоил Муҳаммадхон Шайбонийнинг адоват аломатли атворидан хабар топгач, ... фазилатлар эгаларининг каттаси Шайх Мухиллин Аҳмад (Шайхзода Лоҳижоний) ва шариатмаоб, фазилатпаноҳ қози Зиёуддин Нуруллоҳ каби сўзамол элчиларни икки-уч марта ул олий мартабали ҳокон (Шайбонийхон) олдига юбориб, хонни тўғрилиқ тариқи сулукига ҳамда итоат ва буйсунишлик тариқаси шартларини бажармоққа чақирди ва халқ осойишталиги пойдеворини бузишга сабаб бўлувчи нолайиқ ишлардан қўл тортиш сари ундади. Бироқ шоҳнинг бу сўзлари хонга сира таъсир қилмади. Шайбонийхон ўзбек қўшинлари қўплигига орқа қилиб, фармонни бажарувчилик водийси томон қадам қўймади. Амир Камолиддин Ҳусайн Обивардийни олампаноҳ даргоҳга юбориб, у орқали жўнатган мактубида шундай сўзларни қаламга олган эди: “Ислом ҳажини адо этмоқ учун кунгилга келдики, яқин орада Ироқи Ажам ва Озарбайжон томон йўналгаймиз. Шу сабабли учрашувимиз манзили қаерда бўлажagini маълум қилсангиз”. Даргоҳ муншийлари (*Эрон шоҳи муншийлари назарда тутилмоқда.* – А.З.) шоҳ тилидан хонга жавоб тарзида ушбу сўзларни ёзиб юбордилар: “Биз ҳам ислом обрусии Али Разавия равзаси тавофи учун муқаддас Машҳад томонга бормоққа азму жазм қилганмиз. Муносиби шуким, давлат ва иқбол мавқабларини (Шайбонийхонни) кутиб олмоқда шошилиш йўлини тутгайлар то дўстни сийлаш шартлари ва душманни қуйдириш расму русумларини ул кишига кўрсатиб қўйгаймиз” [9:1194-1195].

Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (1500-1551) ўзининг “Тарихи Рашидий” асарида дастлабки музокараларда Шоҳ Исмоилнинг кескин жавоб бермаганлиги, аксинча, мураса қилишга уринганлиги таъкидланади. Хусусан, унда келтирилишича, Шоҳ Исмоил вазиятни юмшатиш, бўлажак урушни кейинга суриш мақсадида, Шайбонийхон ҳузурига қимматбаҳо совғалар ва шундай мазмундаги хат билан ўз элчиларини юборади: “Кўп замонлардан бери аҳдномаларга амал қилиниб, иккали тарафнинг кўнглига келишмовчилик

чанг-ғуборлари қўнмаган эди, шу сабабдан орамизда гина-адоват излари йўқ эди. Агар у тарафдан оталик қондаси намоён бўлса, бу тарафдан фарзандлик муносабатлари мустаҳкамлангусидир” [4:347]. Муҳаммад Шайбоний хат мазмуни билан танишгач, бунинг муваққат мурсага чорлайдиган, Эрон ўзининг шимоли-ғарбий ўлкалардаги ашаддий рақиби бўлган Усмонлилар империяси билан маълум муваффақиятли сиёсатга эришса, албатта, Хуросон ҳудудига юриш қилишини фаҳмлаган ҳолда, жавоб мактубида уруш келтириб чиқарувчи қуйидаги гапларни ёзади: “Ҳар бир киши онасининг эмас, отасининг хунари билан машғул бўлгани дуруст. Негаки, Узун Ҳасан (1453-1478 йилларда Эрон ва Ироқдаги Оққуюнлилар ҳукмдори. – А.З.) қизини отангга берган кундан бошлаб у замон маликалари қаторидан чиққан. Бизнинг замонимизда бир она худди мендек султондан бўлган султонни туғмаса эди, сен она томондан салтанат даъвосини қилишинг мумкин эди (*Шайбонийхон Шох Исмоилнинг она томондан ҳукмдорлар, ота томондан эса шайхлар авлоди эканлигини назарда тутган.* – А.З.). Ахир “Ўғил отанинг хунарини қилсин, қиз онанинг” деган мақол борку!

Шайбонийхон шунга ўхшаш сўзлар билан мактубини тугатиб, элчига топширди. Бир таёқ, бир жанда, бир қовоқ качкул (*дарвешлар халтаси.* – А.З.) ҳадя қилиб юборди ва “агар отанг хунарини унутган бўлсанг, бу ҳадялар орқали уни ёдингга солаяпман” деган сўзларни ҳам илова қилди” [4:348].

Шундан кейин (1510 йил баҳорида) Муҳаммад Шайбоний Хуросоннинг Гармсир ва Заминдовар тоғликларида юрган ҳазора ва накудор қавмлари устига лашкар тортди. Лекин бу юришлар ўзбеклар учун муваффақият келтирмади. Шу вақтда Шайбонийхон томонидан юборилган элчи Шох Исмоил қабулида бўлиб, шох хоннинг мактуби билан танишгач, қуйидаги мазмундаги жавоб хатини юборади: “Агар ҳар бир ўғилга отанинг хунари билан машғул бўлиш лозим бўлганида эди, унда ҳамма одамларга, улар Одам алайҳиссаломнинг авлодлари бўлганлиги боис пайғамбар бўлиш лозим бўларди. Агар мерос сифатида фарзандга ўтиши зарур бўлганида эди, унда подшолик Пешдодийлардан Каёнийларга ўтмаган бўлар эди. Подшоликни

Чингиз қандай йўл билан қўлга киритгану сен қандай қўлга киритгансан”. Шоҳ Исмоил Шайбонийхоннинг совғаларига жавобан унга чарх ва дук (*урчуқ бошидаги тош. – А.З.*) жунатиб, мактубга шундай сўзларни қўшган: “Энди сен билан кураш камарини белимга боғлаб, ҳеч бир ҳаялламай оёғимни жанг узангисига қўяман. Агар менга қарши чиқсанг, даъволаримиз жанг майдонида ҳал бўлади. Мабодо қарши чиқмасанг, унда мен юборган чархни йигириб ўтиравер” [4:349].

Бу мактуб келган пайтда (1510 йил октябрь-ноябрь ойлари) Шайбонийхон бутун қўшинини тарқатиб юбориб, Ҳирот яқинидаги Жаҳоноро боғида йўл азоби чарчоқларини чиқараётган эди. Шу пайт Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг Ироқ ва Озарбайжондан Хуросон томон келаётгани хабари тарқалади. Шайбонийхон Эрон билан уруш шу йили бўлади деб ўйламаган, шунинг учун ҳам шайбоний султонларга ўз қўшини билан Мовароуннаҳрдаги ўз мулкларига қайтишга рухсат берилган эди. Шунингдек, Шайбонийхоннинг ҳарбий ҳаракатларини диққат билан кузатиб борган Шоҳ Исмоил учун Хуросонга, Шайбонийхон устига юришнинг айна вақти эди. Чунки, Исмоил Сафавийга Шайбонхоннинг ўғли Муҳаммад Темур Султон (ваф. 1514) бошчилигида Қошғарни эгаллаш учун Шарқий Туркистонга юборилганлиги, Шайбонийхоннинг ўзи эса Хуросон ва Гуржистоннинг тоғли ҳудудларида муваффақиятсиз юришлардан кейин Ҳиротга қайтгани маълум эди. Хуросондаги бу ҳолат Исмоил Сафавийнинг 1510 йил октябрда шарққа хужум бошлаши учун айна муддао эди.

Шоҳ Исмоил Хуросонда юриш учун Ироқ, Форс, Арабистон, Гуржистон, Кирмон ва Озарбайжондан катта қўшин тўплади. Қисқа вақтдан сўнг, Исмоил Сафавийнинг қўшинлари Дамғонга етиб келди. У ерда Шайбонийхоннинг куёви Аҳмад Султон ноиб этиб қолдирилган бўлиб, сафавийларга қаршилиқ кўрсатмай, Мовароуннаҳрга қочди. Шайбонийхоннинг Астарободдаги ноиби Хўжа Аҳмад ҳам шундай йўл тутган. Дамғон, Астрабод ва Бистом туманлари аҳолиси талончиликнинг олдини олиш учун Исмоил Сафавийга содиқ қолишга даъват этилган [8:53].

Хуросоннинг ғарбий қисмидаги турли жойларда тарқалиб кетган ўзбек гарнизонларини ҳайдаб чиқариб, Исмоил Сафавий Хуросоннинг марказий қисмига қараб йўл олди. Ўзбек қўшинлари Ҳиротга, Боғи Шайбонийхон ҳузурига қараб қочдилар.

Исмоил Сафавий қўшинларининг Машҳадга яқинлашиши Шайбонийхонни жуда хавотирга солган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Муҳаммад Шайбонийхон Хуросон, Гуржистон ва Ғурнинг тоғли ҳудудларига муваффақиятсиз ва чарчоқли сафаридан эндигина қайтган, жисмонан чарчаган ва руҳан эзилган кам сонли қўшиннинг (манбалар тахлилига кўра, 12-20 минг атрофида) кўп миқдордаги қудратли Сафавийлар армиясига (40-60 минг атрофида) қарши тура олмаслиги табиий эди. Шунинг учун, Шайбонийхон Мовароуннаҳр ва Хоразмга чопарлар юбориб, шайбоний султонларнинг қўшин билан келишига фармон берган ва ўзининг қариндоши ҳамда лашқрбошиси Жанвафо Мирзони Ҳиротда қолдириб, 1510 йил ноябрь ойининг бошида Марв қалъасига келади [5:117]. Бир мунча вақт ўтгач, Жанвафо Мирзо ҳам Ҳиротдан чиқиб, Шайбонийхонга келиб қўшилган. Бу ерда мудофаа жангини ташкил қилишни мақсад қилган хон шаҳар қалъасини мустаҳкамлайди.

Шайбонийхоннинг Ҳиротдан қочганини билиб, Машҳаддан Исмоил Сафавий Марв томон юриб, Донамуҳаммад султон Шамлу томонидан Исмоил Сафавий Сарахсга ўз элчисини юборган. Шайбонийхон бундан хабардор бўлиб, уларни Жанвафо Мирзонинг қўмондонлиги остида танланган аскарлар гуруҳини кутиб олишга юборди. Тоҳиробод қишлоғи яқинидаги кескин жангда Донамуҳаммад ўлдирилди, аммо шунга қарамай, Сафавийлар аскарлари ўзбек жангчиларини Марвга қадар қувиб борганлар [9:1198].

1510 йил 22 ноябрда Исмоил Сафавий асосий кучлари билан Марвни қуршаб олди. У ўзига ишонган Шайбонийхон ўз қўшинларини Марв қалъаси ташқарисига жойлаштиради деб ўйламаган эди.

“Оламорои Сафавий” асарида ёзилишича, уч кун давомида қалъа яқинида жанглар бўлиб, қуршовчилар қалъа дарвозаларига киришган ва мудофаачилар имкон қадар уларни қувиб чиқаришган. Тўртинчи куни Исмоил Сафавий

Шайбонийхонга қуйидаги мазмунда хат ёзди: “Туркистон хони хабар беринг: сизнинг мағрурлигингиз ва баланд парвозингиз қаерда, сиз бизга ҳукмдор сифатида Маккага ташриф буюрмакчилигингизни ва кўприкларни таъмирлашимизни буюрган эдингиз. Эркаklar ва подшоҳлар ўзларининг сўзларидан чекинмасликлари керак, бу жуда шармандали ҳол. ... Қалъадан чиқинглар, акс ҳолда менинг қўрқмас жангчиларим уни сабр билан забт этадилар” [7:298]. Шайбонийхон элчи орқали Шоҳ Исмоилга шундай жавоб берган: “Сиз қулай фурсатни топдингиз. Бизнинг қўшинимиз Туркистонда пайтда бизга ҳужум қилинди. Қандай қилиб фойда олишни ҳамма билади. Жанг қилиш турли хил бўлади. Агар сиз бу ерда икки ой ёки ҳеч бўлмаса қирк кун (сиз эркаксиз) турсангиз, мен сизнинг шайх ўғли эканлигингизга ишонаман” [7:299].

Шу вазиятда Шайбонийхон қўл остидаги султонлар билан ҳам муносабат яхши эмаслиги сафавийлар имкониятларини оширганлигини кўрсатади. “Оламорийи Сафавий” асарида келтирилишича, Шайбонийхон хизматидаги Элбарсхон (у XV асрнинг 80-йилларида Дашти Қипчоқда Шайбонийхон билан курашлар оқибатида ўлдирилган Берка султоннинг ўғли, 1512-1514 йилларда Хоразмда ташкил этилган хонликнинг илк ҳукмдори эди. – А.З.) Шоҳ Исмоил билан яширин алоқалар олиб борган. Манбада хабар берилишича, Марв қалъаси қамалининг йигирма биринчи кунида (1510 йил 22 ноябр), Ховар (Хоразм) подшоси Барс Элхон (Элбарс)нинг элчиси Исмоил Сафавийнинг олдига келиб, Шоҳга хатни топширди. Ушбу мактубда Элбарс “Шайбонийхон мендан Муҳаммад Темур Султон (Шайбонийхоннинг ўғли, ваф. 1514) ва Убайдуллоҳхон (Шайбонийхоннинг жияни, 1487-1540) билан бирга ўз қўшинлари билан ёрдам сўраб мурожаат қилганини ёзган. Шунингдек, у Муҳаммад Темур Султон билан Амударёни кесиб ўтганини, уларнинг барчаси Балхда йиғилаётганини ва Жонибек Султон (Шайбонийхоннинг амакиваччаси, аф.1529)нинг йигирма минг қўшинининг ҳам келиб қўшилаётганини ва барчанинг ёрдамга етиб боргунча “Шайбонийхонни олиб ташласангиз яхши бўлади” деб ёзган [1:40].

Афтидан, Дашти Қипчоқ, Мовароуннахр, Хоразм ва Хуросонда Шайбонийхон ягона давлат тиклаш жараёнида йилдан йилга қудратли бўлиб борган. Шайбонийхоннинг 1480-йиллардаги курашлар натижасида қатл этилган узоқ қариндоши Берка султон фарзандлари ноиложликдан ўзларидан қудратли бўлган Шайбонийхонга хизмат қилишган ҳамда қулай фурсат туғилиши билан ундан қасд олиш йўлини қидиришган. Шоҳ Исмоилнинг Хуросонга юриши Элбархон учун айтилган муддао бўлган бўлиши, эҳтимол.

Элбарсхондан хат олган Исмоил Сафавий ҳарбий кенгаш чақириб, бир ҳафта ичида шайбоний султонларнинг Марвга етиб келишини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиш кераклигини маслаҳатлашган. Гап шундаки, сафавийларда Марв қалъасини эгаллаш учун махсус қуроллар ва деворни йиқитадиган мосламалар қўшинида бўлмаган. Исмоил Сафавий ўзбек хонининг умидсизлигидан фойдаланишга қарор қилган. Шунинг учун у фирибгарлик билан Шайбонийхонни қалъадан чиқариш йўлини қидирган.

Манбаларда ёзилишича, Исмоил Сафавий ўз котибларига унга хат ёзишни буюрган. Исмоил Сафавий, укаси Иброҳим Мирзонинг номидан қуйидаги хат ёздиради: “Султон Салим ибн Султон Боязид бошчилигида румликлар 120 минг қўшин билан Табризга келди ва биз Ардабил шаҳрига қараб йўл олдик” [7:306]. Исмоил Сафавийнинг буйруғи билан Қизилбош жангчиларининг қўмондонлари ўзларининг аскарларига бу нотўғри маълумотни тарқатишган ва сафавийлар қўшини барча чодирларини йиғиб, туяларига юклай бошлашган. Исмоил Сафавий Шайбонийхоннинг айғокчилари бу ҳақда хабардор бўлишини билган ва 1510 йилнинг 1 декабрида тўсатдан қўшинларига чекиниш тўғрисида буйруқ берган [9:1199]. Чекинишдан олдин у Муҳаммад Шайбонийхонга қуйидаги мазмунда хат ёзган: “Сиз Ироқ ва Озарбайжонда учрашамиз, деб ваъда берган эдингиз, аммо сўзингизни тутмадингиз. Биз ваъдамызга амал қилиб, Хуросонга бордик, Машҳадда Имом Али ибн Мусо ар-Ризонинг муаттар қабрини тавоф этиш ниятини айтган эдик, аммо сиз бизнинг учрашувимизга келмадингиз. Ҳозирги кунда Озарбайжонда

баъзи саволлар туғилди ва биз яна қайтиб келамиз. Шунинг учун биз кетяпмиз, аммо хоҳлаганингизда сиз билан курашишга тайёرمىз” [3:88; 9:1200].

Шоҳ Исмоил мазкур ҳийлани ўта устамонлик билан қўлаганки, агар бу тadbир иш бермай қўйса, яъни, Шайбонийхон қалъадан чиқмайдиган бўлса, ҳақиқатан ҳам бу жанг баҳорга қолиши тайин эди. Шунинг учун Шоҳ Исмоил асосий ҳарбий қурултойда қўшиннинг Озарбайжонга қайтиши айтилиб, ягона қарор қабул қилинган бўлса, кам сонли, ўзининг энг ишонган саркардалари билан махфий қурултойда Марвдан уч фарсах (тахминан 20-24 км) чекиниб, қўшинни жангга шай қилиб туриш ҳақида келишиб олинган. Сафавийлар қўшини Марв қалъасидан уч фарсахда жойлашган Маҳмудий ишлоғига келиб тўхтаганда ҳам Эрон саркардаларининг аксарияти нима мақсадда тўхтаганликларини билишмаган [9:1199]. Будан кўзланган асосий мақсад – ҳарбий ҳийла сирининг ошкор бўлиб қолмаслиги бўлган.

Ўрта Шарқда энг қудратли ҳукмдор бўлган ва ўзини бундай шарафга лойик деб билган Муҳаммад Шайбонийхоннинг мулзам ҳолда қолиши, қалъада яшириниб ўтириши унинг номусига тегиши табиий эди. У ҳам қулай фурсат бўлиши билан Эрон аскарларига хужум қилишни мақсад қилган эди. Шайбонийхон ўз аскарларига Эрон армиясини таъқиб қилишни буюрди ва шу тариқа ўзбек хони ўзининг таҳқирланган шарафини тикламоқчи ва душман қирғинини уюштирмоқчи эди.

Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг ёзишича, Шайбонийхоннинг Амир Қамбар, Амир Рой сингари лашкарбошилари хонга қалъадан чиқмасликни, яна бир кун сабр қилинса Убайдулла султон ва Темур султонлар етиб келишини, уларнинг Марвга бир фарсах яқин қолгани ва ҳар бирида 20 минг қўшин борлигини айтиб, бир-икки кун ичида Эрон қўшинининг ҳам ҳақиқий аҳволи (яъни, ростдан қайтишдими ёки бу ҳийлами) маълум бўлишини таъкидлашган. Шунда Шайбонийхон “У (Исмоил) билан бўладиган уруш – иймон учун бўладиган катта жангдир. Шу билан бирга, бу жанг катта ўлжа ҳам олиб келади, бу дунё учун ҳам, охираат учун ҳам фойдали ва манфаатли ишга бошқа

султонларни аралаштиришга ҳожат йўқ. Мардона бўлмоқ лозим” [4:350], деб лашкарбошиларига қалъадан чиқишни қатъий буюрган.

Исмоил Сафавий Амирбек Мавсуллуга 300 отлик қўшин билан Маҳмудободга олиб борувчи Мурғобдаги кўприкда душманни кутишни буюрган ва у асосий кучлар билан Талхтон қалъаси томон йўл олган [9:1201].

Шайбонийхон Исмоил Сафавийнинг юқорида тилга олинган хатини қабул қилиб, элчини ва ўзини Исмоилнинг ҳибсга олинишини буюриб, Шох Исмоилнинг ҳаёлий чекинишига алданиб, ўзбек қўшинининг Мовароуннаҳрдан келишини кутмасдан, қўшинлари билан Марв қалъасидан чиқиб, Сафавийлар билан жанг қилишга киришди. Исмоил Сафавийнинг режасига биноан, кўприк яқинида қолдирилган Амирбек Мавсуллу қўшинлари жанглардан қочиб, ўзларини қочқинлардек кўрсатиб, ўзбек қўшинлари кўприкдан ўтиб кетишлари керак эди. Шайбонийхон Сафавийлар авангард қўшинининг у билан жанг қилмаётганини кўрди ва Марвдан орқада қолдирилган Мурғобга борадиган кўприк вайрон бўлганини ва Сафавийлар қўшини ўзбек шайбонлари учун ҳалокатли бўлган доирани ёпиб қўйганини билиб, у Исмоил Сафавийнинг ҳарбий тактикасининг қурбони бўлганини пайқади [9:1201].

Шайбонийларнинг чап ва ўнг қанотлари бошлиқлари Жанвафо Мирзо ва Қанбарбек ҳужумга шошилдилар, Эрон қўшинларининг ён томонларини одим билан сиқиб чиқардилар.

Шундай қилиб, Исмоил Сафавийнинг ҳарбий-стратегик режалари амалга оширила бошлади. Ушбу урушдаги Эрон кучларининг бўлинмалари таниқли Қизилбоши - Нажми Соний, Байрамбек Караманли, Девсултон Румлу, Ҳусайни Бегуллох, Дудабег, Дўрмонхон, Шамлу, Амирбек Мавсуллу, Муҳаммад султан Талиш, Бадинчан султан Талиш, Зайнул султан Шамлулар томонидан бошқарилган [8:58].

Бу жанг ҳақидаги нисбатан батафсил маълумот Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” ва Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарларида [9:1200-1204] келтирилган бўлиб, улардаги маълумотлар таҳлили Шайбонийхоннинг

мағлубияти куйидаги омиллар сабаб юз берганлигини кўрсатади: биринчидан, 1509 йилги Қозоқ хонлигига қарши охири кўринмаган, на ғалаба, на мағлубиятга олиб келган бесамар юриш, Хусосон ва Эроннинг шимоли-шарқий ҳудудларига юришлар натижасида қўшиннинг рухияти тушиб, толиқиши ҳамда қиш яқинлашуви билан уларга рухсат бериб юборилганлиги; иккинчидан, Марв қамали пайтида Исмоил Сафавийнинг найрангига учиб [2], қўшинни қалъадан чиқариб, душман ортидан таъқиб қилиши. Йўлда учраган Исмоил элчисининг у Эронга қайтаётганлиги ҳақидаги ёлғон хабарига лаққа тушиши Шайбонийхоннинг жадал ҳаракатига сабаб бўлган; учинчидан, бевосита жанг пайтида ҳарбий ҳийлаларга алданганлиги: 1) Эрон қўшинининг орт томонида 2-3 қатор туялар тизилган бўлиб, Муҳаммад Шайбоний тепаликдан туриб рақиб қўшини ортидаги туяларни кўрган, бироқ уларга аҳамият бермаган [6]. Аслида Шоҳ Исмоил туялар ортига энг сара отлиқларни жойлаштирган эди; 2) жанг бошланиши билан Эрон аскарларининг қалб (марказ) қисми бир оз жанг қилган бўлиб, чекинишга тушади. Шайбоний қўшинларининг маркази эса уларни таъқиб қилиб, ўлжа олишни бошлаб юборади. Шундай вазиятда туялар қатори ортидаги Эрон суворийлари ҳужумга ўтиб, Мовароуннаҳр қўшинининг қанот қисмларини тарқатиб юбориб, ичкарига кириб боради ва Шайбоний қўшинининг қалб (марказ) қисмини қуршовга олади. Орқада турган Шайбонийхон эса асосий қўшинидан ажраб қолиб, қочишга мажбур бўлади.

Шайбонийхон қўшини мағлуб этилиб, кўплаб ўзбек қўмондонлари йўқ қилинди. Ўзбек қўшини ҳар томонга тарқалиб кетгач, Исмоил Сафавийга яқин одамлар Шайбонийхонни қидира бошлаганлар. Шайбонийхон 500 та махсус аскарлари ва хизматчилари билан қизилбошлар таъқибидан қочиб, бир чорбоғда яширинган. Хондамирнинг “Ҳабиб-ус-сийар” асарида келтирилишича, боғ ичидан тапшқари чиқишга жой топа олмай қолиб, ўша аснода Шоҳ амирларидан Бурун Султон бошчилигидаги бир гуруҳ қизилбошлари боғни ўраб олиб, ўзбеклар устига ўқлар ёмғирини ёғдиришган. Ўзбеклар ўқ ёмғиридан бир-бири устига қулаб, жуда кўплари эса отлар туёғи остида ҳалок бўлишган. Айримлари бўлса ўлган шериклари жасади устига

тармашиб, боғ девори устига чиқиб олишар, аммо улар ҳам қизилбошларнинг қиличига дучор бўлар эди. Жанг майдонида қолган барча ўзбеклар ҳалок этилгач, “қутлуғ мавкаб мулозимларидан бир нечтаси ўлганлар орасидан Муҳаммадхон Шайбонийни излаб, уни ўша боғ ичидаги мурдалар тагидан топишди. Хон ўз устига қулаб тушган қочоқлар остида қолиб, нафаси қисилганидан жонини рухларни олувчига топширган экан. Улар унинг ... бошини танидан жудо қилиб, зафарпаноҳ шоҳ олдида олиб бориб, жаҳонни кезувчи самани туёғи остига ташладилар” [9:1204].

Жалолиддин Маҳмуд, Муизиддин Хусайн, Жанвафо Мирзо, Қанбарбек сингари ўлканинг қўплаб ҳарбий саркардалари Марв яқинида қўлга олиниб ўлдирилган. “Аҳсан ат-таворих” асарининг маълумотларига кўра, ушбу жангда Шайбонийхоннинг 10 мингдан ошиқ тарафдорлари ўлдирилган, “Оламаройи Сафавий” асарида ёзилишича, 28 минг шайбонийлар, шу жумладан 400 Чингиз Султонлари ўлдирилган [8:59]. Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг ёзишича, у тарихда ҳеч қачон армиядаги барча лашкарбоши ўлдирилган бундай жангни эшитмаган [4:350].

Шоҳ Исмоил босиб олинган, бойлик ва мол-мулкни ҳарбий қўмондонлар ва аскарлар ўртасида бўлишиб, ўз қўшинини моддий таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни енгиллаштирган. У Дудабекка Марв ҳукуматини тузишни буюрди.

Шайбонийларнинг Марв жангидаги мағлубияти иттифоқчиларини, жумладан, Усмонли Турк давлати ва Мозандарон ҳокими Рустам Рузафзунни ҳафсаласини пир қилган. Исмоил Сафавийнинг буйруғи билан, хоннинг бош териси шилиниб, у сомон билан тўлдирилган ва Шайбонийхоннинг иттифоқчиси Султон Боязид Усманийга “совға” сифатида юборилган [8:60].

Мозандарон Шайбонийлар ва Сафавийлар армияси томонидан доимий босқин остида эди. Мазандарон ҳокими Рустам Рузафзун икки қўшинга қарши туриш мумкин эмаслигига амин эди. Шундай қилиб, у Шайбонийхонни очик қўллаб-қувватлади. Исмоил Сафавий Рустам Рузафзунга Шайбонийхоннинг узилган қўлини совға қилган ва: “Қўлингиз Шайбонийхоннинг оёқларига

тегмаганлиги сабабли, биз қўлингизни оёқларингизга юборамиз”, деб ёзган. Муаллифи номаълум “Жаҳонкушои Хоқон” асарига таянган тожик олими Сейедалиакбар Хосейниширази Муҳаммад Шайбонийнинг чап қўли Заҳириддин Бобурга юборилган ва “Агар Шайбонийхон Самарқанд учун қўлингизни қисқартирган бўлса, унда Қодир Тангрининг марҳамати билан биз қўлини қисқартириб, уни сизга юбордик”, деган экан. Бу маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келиши бир оз мушкул. Чунки, Кобул ва Мозандарон ҳукмдорларига бундай “туҳфа”ларнинг юборилиши фақат муаллифи номаълум бўлган “Жаҳонкушои Хоқон” асарида мавжуд бўлиб, буни шу давр тарихий жараёнларида бевосита иштирок этган Заҳириддин Муҳаммад Бобур (“Бобурнома”нинг 1510 йилларни баён қилувчи саҳифалари мавжуд бўлмаса-да, бошқа ўринларда бу ўта муҳим маълумотни Бобур эслаб ўтган бўлар эди), Ғиёсиддин Хондамир, Муҳаммад Ҳайдар сингари муаррихлар тасдиқламайди.

Хуросоннинг забт этилишидан сўнг Дудабег Марв ҳокими, Хусайн Бегуллоҳ эса Ҳирот ҳокими этиб тайинланди, Хуросондаги суд ишлари амир Ғиёсиддин Муҳаммадга топширилди.

Шундай қилиб, Марв учун кураш, Хуросондаги ғалаба ва Шарқий Эрон ерларининг Шох Исмоил Сафавий бошқарувига қўшилиши XVI аср бошларида Эрон давлати ва сиёсий ҳаётининг муҳим саҳифаларига айланди. Марвдаги ғалабани Сафавийлар даврида Эроннинг мустақиллиги ва мустақиллигини ўрнатиш жараёни учун сиёсий асос деб ҳисоблаш мумкин. Исмоил Сафавий энг муҳим минтақа – Хуросонни босиб олиши билан Эронда марказлашган ҳокимиятни мустаҳкамлади. XVI аср бошларида Хуросоннинг бўйсунувчи Исмоил Сафавий ерига қўшилиши. Ислоннинг шиа оқимига асосланган Эрон ҳудудида ягона давлатни яратишнинг муҳим йўлларида бирига айланди.

Марв жанги Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмдан иборат ягона байроқ остида бирлаштирилган давлатни яна учга бўлиб юборди. Натижада, бутун XVI аср давомида минтақа шайбонийлар, сафавийлар ва қисман бобурийлар, арабшоҳийлар ўртасидаги кураш жадал кечган ҳудудга айланди.

ИҚТИБОСЛАР / СНОСКИ / REFERENCES

1. Аллаева Н. Хива хонлигининг дипломатияси ва савдо алоқалари (XVI-XIX асрлар). Т.: Академнашр, 2019;
2. Бир неча мактуб алмашинувидан кейин, шоҳ Исмоил ҳийла йўлига ўтиб, Эронга қайтишини маълум қилган. Шайбонийхон эса унинг ростдан ҳам Эронга қайтаётганлигига ишонган, чунки Мовароуннаҳрдан шайбоний султонларнинг ёрдам учун келаётганлиги ҳақидаги хабар шоҳ Исмоилга маълум эканлигини билган ва у шундан чўчиб, қамални бўшатди, деган хато фикрга борган;
3. Искандарбек Мунший Туркман. Тарихи оламаройи Аббосий. / Форс тилидан озарбайжон тилига таржима, кириш, изоҳлар муаллифи Оқтай Эфендиев, Намиқ Мусали. Баку, 2009;
4. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. / В.Раҳмонов ва Я.Эгамова таржимаси. – Т.: Шарқ, 2010;
5. Муҳаммадёр ибн Қатағон. Мусаххир ал-билод / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари И.Бекжонов, Д.Сангирова. – Т.: Шарқ, 2009;
6. Одатда қўшиннинг ортида туялар карвони юрган бўлиб, уларда аскарларнинг сафарда керак бўладиган барча буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳарбий аслаҳа захиралари мавжуд бўлган. Бу карвон тарихий манбаларда уғруқ, партол сингари номлар билан учрайди;
7. Оламаройи Сафавий. Муаллифи номаълум. / Нашрга тайёрловчи Ёдуллоҳ Шукрий. – Техрон, 1363;
8. Хосейниширази С. С. Военно-политические отношения Мавераннахра и Ирана в XVI в. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Душанбе, 2014;
9. Гиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар (тўлиқ вариантда) / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифи Ж.Ҳазраткулов, И.Бекжонов. – Т.: Ўзбекистон, 2013.

10. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. / В. Раҳмон ва Я. Эгамов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2010; Ғиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар (тўлиқ вариантда) / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифи Ж.Ҳазраткулов, И.Бекжонов. – Т.: Ўзбекистон, 2013; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом / Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси. Илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. – Т.: Шарқ, 1-китоб, 1999; 2-китоб, 2000; Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. – Тошкент: Шарқ, 2009; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, Ўқитувчи, 2008, 2018; Ҳасанхожа Нисорий. Музаққир аҳбоб. Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1993; Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. Тошкент, Чўлпон, 1990; Восифий Зайниддин Муҳаммад. Бадоеъул Вақоеъ. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1979; Оламорийи Сафавий. Муаллифи номаълум. / Нашрга тайёрловчи Ёдуллоҳ Шукрий. – Техрон, 1363; Искандарбек Мунший Туркман. Тарихи оламорийи Аббосий. / Форс тилидан озарбайжон тилига таржима, кириш, изоҳлар муаллифи Оқтай Эфендиев, Намиқ Мусали. Баку, 2009.

11. Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. – Тошкент: “Нур”, 1992. – 26-125-бетлар; Шу муаллиф. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994; А.Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: Шарқ, 2001; Ҳ.Тўраев. Бухоро хонлигининг XVI-XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни. Тарих фанлар докт., дис-я автореферати. Ташкент, 2007. –Б. 46-47; З.Раҳмонқулова. “XVI-XIX аср бошларида Ўрта Осиё ва Усмонийлар давлати ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлари тарихи”. Тарих фан. номз., диссертацияси. – Т., 2002; Г.Султонова XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркент хонликлари билан алоқалари: Тарих фан. номзоди. диссертацияси. – Т., 2005; М.Ҳандамова. “Тарихи Элчи Низомшоҳ” Марказий Осиё тарихининг IX-XVI асрлардаги тарихига оид манба сифатида. Тарих фан. номз., диссертацияси. – Т., 2007; Замонов А. Т. Бухоро хонлигида қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқарув. Тарих фанлари фалсафа докт (PhD)., диссертацияси ва монографияси. – Тошкент,

2018; Г.Агзамова. “XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти”. Тарих фан. докт., диссертацияси. – Т., 2000; Пардаев К. XVI-XVII асрларда Миёнкол (монография). Тошкент: “Турон Замин Зиё” нашр, 2014. 50-60-б; Муқимов З. Қилич ва қалам соҳиблари. (Давлат арбоблари ҳақида тарихий лавҳалар.) – Самарқанд, 1996, 2008. 14-21-б; Шу муаллиф. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи. Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот. Тошкент, “Адолат”. – 2007; Ражабов Қ., Очилов Э., Убайдуллахон. (рисола.) Т.: Абу Матбуот Консалт, 2011. 4-28-б; Политическая история Мавераннахра в XVI в. (монография). Душанбе: Деваштич, 2007; Хосейниширази С. С. Военно-политические отношения Мавераннахра и Ирана в XVI в. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Душанбе, 2014; Abdulkadir Macit. Şeybânî hanlığı (1500-1599). İstanbul, 2015.